2

2015 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (12.842)

Баҳоси эркин нархда

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни

Халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишда Алишер Навоий маънавий меросининг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказишда асарларидан кенг фойдаланиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



АДОЛАТ ВА ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Анъанага кўра, 9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим О.Давлатов, ёш шоир Ш.Салом ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган эди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ва хорижий давлатларда улуғ бобокалонимиз ҳайкаллари қад ростлади. Шоир ижоди тўла қамраб олинган йигирма жилдли тўплам нашр этилди. Навоийнинг ижодий хазинаси битмас-туганмас уммон янглиғ бугунги кунда ҳам юртимиз ва жаҳон олимлари, тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, туркум илмий асарлар, монографиялар, рисолалар нашр этилмоқда.

Шоир ўз асарларида тараннум этган инсонпарварлик, адолат, юрт равнақи, халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат, меҳр-мурувват, ота-онага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муҳтожларга мурувватли бўлиш, ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсон этиб вояга етказиш каби ҳаётбахш ғоялар Ватанимизнинг бугунги тараққиёт одимларида, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Тадбирда Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Улуғ мутафаккир маънавий мероси, ижоди, фаолияти ҳақида жаҳон адабиёти намояндаларининг қимматли фикрларидан парчалар Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида ижро этилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи М.Тожибоев ижросида Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, талабалар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, навоийшунос олим Ҳ.Болтабоев, шоира Ф.Афрўз ва бошқалар шоирнинг ўлмас мероси ёшларни Ватанга садоқат, фидойилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этишини таъкидлади.

Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар мультимедиа телекомплексида журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчилик моҳияти ва сайлов кампаниясини ёритиш услубларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Сайлов – 2015

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, миллий экспертлар, нодавлат телерадиостанциялар раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди. Шунингдек, ҳудудий телестанциялар студиялари билан онлайн режимида алоқа ўрнатилди.

Семинарда оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни ўтказишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг барча босқичларида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаб, аҳоли ўртасида миллий сайлов тизимининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Президентликка номзодларга сайловолди тарғиботини ўтказиш учун эфир вақти ва босма майдон ажратмоқда, бошқа кўплаб вазифаларни бажармоқда.

Буларнинг барчаси оммавий ахборот воситалари вакиллари зиммасига катта масъулият юклаб, улардан сайлов қонунчилиги бўйича чуқур билимга эга бўлишни талаб этади.

Семинар-тренингда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда мазкур жараённи ёритишнинг ҳуқуқий асослари ва принциплари тўғрисида зарур ахборотга эга бўлди.

– Бундай тадбирлар, шубҳасиз, журналистларнинг касб маҳоратини ошириб, уларнинг ҳуқуқий билимини янада чуқурлаштиришга ёрдам беради, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази раҳбари Низомиддин Нурматов. – Семинар-тренингда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга, жумладан, сайлов мавзуси бўйича телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий роликлар сифатини янада оширишга доир саволларга батафсил жавоб олди. Семинар шуни кўрсатдики, журналистлар бўлиб ўтадиган сайловнинг муҳимлигини, мамлакатимизни янада ривожлантиришда унинг аҳамиятини теран англаган ҳолда, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда..

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан нодавлат теле ва радиостанциялар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ҳамда семинар-тренингда тақдим этилган тадбирлар махсус режаси ҳам бундан далолат беради.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2014 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Фозиев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Кейинги йилларда соҳага оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлиги, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш ҳамда судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фармонлари судьяларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этди. Бу суд ҳокимиятининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, мустақиллигини мустаҳкамлашга замин яратди.

Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолияти янада такомиллаштирилгани аҳолига қулайликлар яратмоқда. Жумладан, кейинги пайтда қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 туманлараро (туман) суди иш бошлади. Мазкур тизимда судьялар сони бирмунча кўпайтирилди. Бундай чора-тадбирлар суд ишларини ўз вақтида, самарали кўриб чиқишга хизмат қилмоқда.

Суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури қабул қилинди. Дастурга асосан судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражаси ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, энг муҳими, ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган электрон суд иш юритуви тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

2015 йил 7 февраль куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси ваколатига кирадиган масалалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг таркибини 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига тавсия этиш, пойтахтда қонунийликнинг таъминланиши ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2014 йилдаги фаолиятига доир масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда 2015 йилнинг 29 мартида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ушбу сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси самарали фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳокимликларининг тақдимномаларига асосан шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳри бўйича 653 та сайлов участкалари ташкил қилинди. Сайлов участкаларининг тартиб рақамлари ва уларнинг манзили кўрсатилган рўйхати «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинди. Ташкил этилган сайлов участкаларида туман ҳокимликлари томонидан жиҳозлаш, ободонлаштириш, техник воситалар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 18[1]-моддаларига мувофиқ участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиниши ва округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тавсиясига мувофиқ Тошкент шаҳрида ташкил этилган 653 та участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига кўра участка сайлов комиссияси аъзолигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодлар тавсия этиш ваколатига эга. Шу муносабат билан сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Тошкент шаҳридаги барча маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида муҳокама қилиниб, тавсия этилганлиги маълум қилинди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитларга эсдалик совғалари топширилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида бўлиб ўтган адабий кеча улуғ аллома, мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишланди. «Маънавият гулшанининг адабий султони» деб номланган тадбирда ўқитувчилар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Самарқанд шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида «Аёллар маслаҳат маркази» фаолият бошлади. Марказда туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, соғлиқни сақлаш ва адлия бошқармалари масъул ходимлари иштирокида семинар ўтказилиб, шу каби муассасаларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этиш борасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

• Бухоро вилояти ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Бузғунчи ғоялар – ёшлар келажагига таҳдид» шиори остида иншо, шеър, расм-тасвир ва ғоя тақдимоти йўналишлари бўйича танлов ўтказилди.

• Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири — Олотда туман тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси янги бинода иш бошлади. Бунинг учун давлат бюджетидан 2 миллиард 750 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, барча бўлимлар энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ бутун ер куррасидаги тупроқнинг намлигини олимларга жуда аниқликда белгилаб бериш имкониятига эга бўлган Ернинг илмий сунъий йўлдошини коинотга учирди. Ушбу 950 килограммли асосий анжом ва учта нанойўлдошнинг ерга қишлоқ хўжалиги ва метеорология учун муҳим аҳамиятга эга маълумотларни етказиб туриши режалаштирилган.

• Лондоннинг энг кўп томошабин ташриф буюрадиган диққатга сазовор ўнта масканидан бири бўлган, машҳур инсонларнинг мумдан ясалган ҳайкаллари сақланадиган Тюссо хоним музейи биноси сотувга қўйилди. Маълумотларга қараганда, унга 300 миллион фунт стерлинг нарх қўйилган. Ҳозирда ушбу иншоотдан «Financial Times» компанияси ижара асосида фойдаланмоқда.

• Москвалик жарроҳлар ўнг буйрагида шиш бўлган икки ёшли қизчани ноёб жарроҳлик амалиётидан ўтказдилар. Инновацион технологиялар асосида яратилган плазмали жарроҳлик асбоби операция чоғида катта қон йўқотишининг олдини олишга имкон яратди. Ушбу усулда ингичка аланга орқали тўқималар кесилади ва шу вақтнинг ўзидаёқ улар ўзаро ёпиштирилади. Бу келажаги порлоқ инновацион хирургиянинг дастлабки дебочасидир.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-, 17- ва 18¹-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига 653 та участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар таркибини тасдиқлаш учун тавсия этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда қонунийликнинг таъминланиши ва жиноятчиликнинг олдини олишга оид масалалар юзасидан Тошкент шаҳар прокурори ахборот берди. Шаҳар прокуратураси томонидан берилган маълумотга асосланиб қабул қилинган қарорга кўра, шаҳар ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларига фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига дахлдор бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилинишига эришиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, фуқароларни қабул қилиш, уларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилишида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларга сўзсиз риоя қилиниши таъкидланди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларни, шу жумладан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ва соғлиғини ҳимоя қилиш, ижтимоий таъминот олишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, улар асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, йирик саноат корхоналарида касаначилик фаолиятини жадаллаштиришга доимий эътибор қаратиш вазифаларининг бажарилиши кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бир қаторда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи, одам савдоси, аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг олдини олишда тушунтириш-тарбиявий ва тарғибот ишларини жадаллаштириш ҳамда ушбу тадбирларнинг аҳоли яшаш ва иш жойларида, ўқув масканларида самарали ўтказилишини таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Сессияда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 5 февралдаги «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тасдиқланиб, унинг бажарилишини назорат қилиш тегишли доимий комиссиялар зиммасига юкланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2014 йилдаги фаолияти атрофлича кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг учинчи сессиясида кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умумюрисдикция судлари одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати тақдим этган маълумотларга кўра, 2014 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 217 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилган. 950 мингдан ортиқ суд буйруғи чиқарилган. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 779 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш белгиланган. Фуқаролик ишларининг 85,6 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 89,2 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилган.

Айрим жиноят турлари, хусусан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, безорилик ва транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари камайди.

2014 йилда ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ҳисобот даврида 211 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 3,5 минг нафарга яқин, ушбу қонун ҳаётга татбиқ қилинганидан буён 624 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 29 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонунбузилиши ҳолатлари ҳам атрофлича муҳокама этилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири





Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ёшларнинг банклар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирлар

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ЭЪТИБОРДА

Республика Марказий банки ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда коллеж, лицейларда таҳсил олаётган, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган ёшларга банклар томонидан имтиёзли кредит бериш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир қатнашчилари ёш тадбиркорларга ишбилармонлик билан шуғулланишларига имкон яратиш мақсадида банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани туфайли мамлакатимизда янги иш ўринлари пайдо бўлаётгани, иқтисодиёт ривожига ҳам маълум даражада ҳисса қўшилаётганини эътироф этишди.

Қатнашчиларнинг фикрича, банклар томонидан ёшларга кўрсатилаётган ушбу ғамхўрлик ёшларни бошлаган ишлари билан астойдил шуғулланишларига, ҳукуматнинг бу борада чиқараётган қарорларини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Қонунларни, бир сўз билан айтганда, бу борадаги ҳуқуқ ҳамда бурчларини мукаммал ўрганишларига омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда бу борадаги ишларнинг жорий йилда ҳам давом эттирилиши таъкидлаб ўтилди ҳамда келгуси иш режалари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Марказий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан 2014 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2015 йилга белгилаб олинган режалар хусусида сўз юритилди.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес жадал суръатларда ривожланди. Давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар, яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, шунингдек, тадбиркорларнинг эркин фаолият олиб боришлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари ушбу соҳа ривожида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда ушбу йўналишда иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш, хусусан, замонавий техника ва технологияларни келтириш ҳамда маҳсулотларни экспорт қилиш, янги корхоналарни ташкил этиш ва бошқа шу каби йўналишлардаги фаолияти билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иқтисодиётимиз реал секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

2014 йилда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар бажарилди. Тадбиркорларга яқиндан кўмаклашиш, берилаётган имтиёзлардан уларни хабардор этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва муаммоларини ҳал этишга қаратилган кўплаб тадбир, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Ушбу тадбирларда қатнашган тадбиркорлардан келиб тушган 14 244 та мурожаатдан 14 048 таси жойида ҳал этилди, 196 таси эса кўриб чиқиш учун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил декабрь ойида қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тадбиркорларга яна бир қулайликни яратди. 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни интернет тармоғи орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Йил якунига қадар тизим орқали юборилган 10 600 дан зиёд аризаларга мувофиқ мурожаат этувчиларнинг 10 177 нафари тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Аризаларни электрон тарзда юбориб рўйхатдан ўтиш Тошкент шаҳри, Хоразм, Фарғона, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида кўпроқни ташкил этади.

Ўтган йилда Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган жисмоний шахсларга таъсис ҳужжатлари ҳамда бизнес режа тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ахборот, консультация, юридик ва суғурта каби кўрсатиладиган хизматлари ҳажми 105 фоизга кўпайди.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Савдо-саноат палатаси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳаларига ёшлар кенг жалб этилди. Ушбу лойиҳалар ғолибларига ўз бизнес фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредитлар олишга тавсияномалар берилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ёшларда тадбиркорлик кўникма ва малакаларини ошириш, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, микрокредитлар олиш ва бошқа муаммоларини ҳал этишда яқиндан кўмаклашиш вазифаларини бажарувчи «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари ва улардаги мутахассислар сони кўпайтирилди.

«2014 йилда хорижий давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ республикамизга Хитой, Германия, Австрия, Италия каби кўплаб давлатларнинг 89 та хорижий делегациялари ташрифи уюштирилди.

Шу билан бирга, республикамизда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш борасида ҳам палата томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Эллик олтита қўшма корхонанинг ташкил этилишига палата томонидан кўмак берилди.

Хорижий ҳамкорлар билан ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш йўналиши бўйича ҳам кўплаб келишувларга эришилди. 2014 йил мобайнида 16 та ҳамкорлик битимлари тузилди. Хусусан, Ҳиндистон экспорт ташкилот федерацияси, Темза региони Савдо-саноат палатаси, Эстония Савдо-саноат палатаси, Корея Республикаси импортёрлар ассоциацияси каби ташкилотлар билан имзоланган битимлар муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, оилавий бизнесни ташкил этиш, «Ягона ойина» шаклида хизмат кўрсатиш, электрон рўйхатга олиш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш, саноат корхоналарининг салоҳиятини кучайтириш ва экспортни ривожлантириш каби устувор вазифалари белгилаб олинди.

Абдуалим САЛИМОВ

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримқуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг девонхона мудири (Ж.Кашибханова) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Миробод туман тармоқ администратори (Р.Исроилов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.mirobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 15 январдаги «Миробод туманида 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 11-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Рустамов зиммасига юклансин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадиров

2015 йил 15 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни



Алишер Навоий ижодига жаҳон миқёсида қизиқиш шоир ҳаётлигидан то ҳозирги кунга қадар пасайгани йўқ, аксинча, тобора кучайиб бораётир. Улуғ мутафаккир ғазалларини хорижликлар томонидан инглиз, француз, немис ва бошқа тилларга таржима қилишга бўлган уринишлар буни исботлайди. Хорижлик адабиёт ихлосмандлари учун аллома асарларидаги теран фалсафа, гўзал ташбеҳлар, шеърий санъатлар ранго-ранглиги ниҳоятда қизиқарли. Зеро, Навоийнинг асрдан-асрга ўтган сари тобора ошиб бораётган шуҳратининг асл сабаби ҳам асарларидаги юксак бадииятдадир.

НАВОИЙ ИЖОДИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Алишер Навоий ижодидаги умуминсоний ғоялар Европа Уйғониш даврига туртки бўлган ғояларга ҳамоҳангдир. Навоийдан бир аср кейин ижод қилган Шекспир ўз драма ва сонетлари орқали комил инсон ғоясини тарғиб этган.

Шекспир 154 сонетининг 126 тасини идеал дўст образига бағишлайди. У дўст тимсолида комил инсонни кўришни истайди. Дўст тимсоли орқали бутун Европани фарзанд кўришга ундайди. Сабаби, ўша пайтларда Европада ўлат касаллиги тарқаб, қитъа деярли инқирозга юз тутганди. Мана шундай оғир даврда Уйғониш даври шоирлари – Шекспир, Петрарка, Чосер ижодида Навоий тараннум этган инсоннинг буюклиги, коинотнинг яратилишидан муддао айнан одам эканлиги, унинг қадри ҳақидаги ғоялар пайдо бўлди. Айнан шу ғоялар Европа Уйғониш даврига туртки бўлди. Бу алоқадорликнинг сабаби миллатлар ўртасида адабий кўприк вазифасини ўтаб келаётган таржима санъати билан боғлиқ.

1557 йилда Майкл Трамеззино томонидан «Сардипнинг уч шаҳзодаси» номли китоб Венецияда итальян тилида чоп этилади. Муаллиф китоб муқаддимасида мазкур асарни форс тилидаги эртакни итальянчада сўзлаб берган Христофор Табризийдан эшитганлари асосида ёзганини қайд этади. Шарқшунос олимларнинг фикрича, мазкур китоб икки мустақил сюжетдан ташкил топган. Унинг биринчи қисми Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») достонидан олинган ҳикоя асосида ёзилган. Иккинчи қисмида эса Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги асосий воқеа – Баҳром ва Дилором саргузаштлари баён қилинади. Бу асар итальян тилида бир неча маротаба нашр этилиб, шу тилдан немис, француз, голланд тилларига ўгирилган. Аммо ҳеч қаерда на Деҳлавий, на Навоий номи келтирилмайди. Асар сюжетларидан биринг генезиси Навоийга тегишли экани Ғарб шарқшунослари томонидан кейинчалик аниқланади.

Шекспир итальян тилини яхши билган ва итальян сонети асосчиси Франческо Петрарка ижодига ниҳоятда қизиққан. Шарқда Навоий туркий тил мавқеини кўтарганидек, Ғарбда Шекспир итальян сонетининг темир қонуниятларини ўзгартириб, инглиз сонетининг ўзгармас вазнини яратади. 1589-1613 йилларда Шекспир Европани кезиб чиққан Табризийнинг «асари»ни ўқиган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу соҳада жиддий текстологик тадқиқотлар олиб борилса, Навоий ижодининг Ғарбга таъсири масаласи янада ойдинлашади.

Навоий ғазалиёти ва Шекспир шеърияти ўртасидаги фарқ шундаки, Шекспир содда ўхшатишлар орқали комилликка ишора қилган бўлса, Навоий латиф ташбеҳлар ва мураккаб сўз ўйинлари, турли қочиримларни қўллайди.

Алишер Навоий бадиий тафаккури ва шеърияти нуқтаи назаридан жаҳон адабиётида беназир ижодкордир. Ўтган йили Навоий таваллуди куни муносабати билан «Лисон-ут-тайр» асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик Гарри Дикнинг «Кўнгил боғининг боғбони» номли мақоласи ўзбек тилида чоп этилган эди. Ушбу мақолани юртдошларимиз яна ўқишларини истардим. Мақола муаллифи Навоийдан шунчалик таъсирланганки, унда шоирнинг бутун ижодини тезроқ ўз юртдошларига етказиб бериш истаги уфуриб турибди. У Навоийни «шоирим» дейди ва уни кўнгил боғининг боғбонига қиёслайди. Боиси Ғарбдаги тараққиёт бўҳронлари кишиларнинг моддий-маиший турмушга берилиб кетаётгани ва оқибатда маънавий инқирозга юз тутаётганини кўрсатмоқда. Бундай жараёнда кимдир кўзни очиш керак ёхуд Гарри Дик таъбири билан айтганда, «ажриқ босиб кетган боғни тозалаб парваришлаш керак».

Алишер Навоий асарларининг инглиз тилига таржимаси ва уларнинг чет элларга тарғиботини кучайтириш долзарб вазифалар сирасидан. Аруз вазнидаги асарлар инглиз китобхони учун бегона оҳангга эгалиги боис яқин-яқинларгача ушбу вазнда ёзилган шеърни инглиз тилли халқлар қабул қилолмайди, деган қараш мавжуд эди. Аммо хорижлик шоирлар орасида кейинги пайтда пайдо бўлган ғазал ёзиш анъанаси бу борада кенг имкониятлар эшигини очди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин Ўзбекистонда Навоий ижодига, улкан меросига эътибор ўзининг юксак чўққисига кўтарилди ва Ғарбда ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда улуғ шоир ижоди намуналарини жаҳон халқлари тилларига таржима қилишга қизиқиш кучайгани эътиборлидир. Ҳолбуки, ўтган асрда В.Левиева ва Д.Роттенберг каби мутахассисларнинг 1958 йили Москвада чоп этилган «Uzbek poetry» номли тўпламига Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан Фарҳод ва Хусрав диалоги, ҳикматли сўзларидан айрим намуналар ва атиги учта ғазали киритилган эди, холос.

Шу маънода, улуғ мутафаккир асарларининг Й.Парда, Л.Кметюк ва К.Маъмуров таржимасида инглиз ва немис тилида 2000 йилда чоп этилган «Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар» номли китоб бу борадаги дастлабки жиддий қадамлардан бўлди.

2009 йилда Германиянинг Фрайе университети симпозиумида ўқилган маърузалар асосида тайёрланган «Mir Alisir Nawai» номли тўпламга тўққизта мақола киритилган. З.Клайнмихел тўпламдаги мақоласида аллома ижоди, кундалик турмуши, ғазал ёзиш қонуниятлари, шарқона ғазал оҳанги каби муаммоларни еттита фаслга бўлиб ўрганган, шарҳлаб берган. Таржимон М.Эргашев Жан Жаке Гате билан ҳамкорликда француз тилига таржима қилган Навоий рубоийлари Францияда чоп этилди.

Навоий асарлари немис, француз олим ва таржимонлари томонидан бир қадар ўрганилган, ўгирилган бўлса-да, бу борада инглиз мутахассислари фаолиятида сустқашлик кузатилади. Ғарблик олим ёки таржимоннинг Алишер Навоийга меҳр қўйиши нафақат уларнинг касб маҳоратига, балки буюк бобокалонимизни ўзи учун кашф этиш йўлидаги фидойилигига ҳам боғлиқдир.

Навоий башорият тамаддунида ўчмас из қолдирган буюк шахс. Америкалик навоийшунос Барри Хоберман Навоийни туркий тилни жаҳон тиллари қаторига киритган ижодкор, давлат арбоби сифатида эътироф этиб, шоирни дунё тамаддунига улкан таъсир кўрсатган даҳолар сафига киритади.

Кун сайин юксалаётган давлатимиз тарихида Алишер Навоийдек дунё тан олган мутафаккирлар борлиги миллатимизнинг маънавий илдизлари нақадар бақувват эканининг исботидир. Биздан ана шу юксак маънавиятимиз ва адабиётимизни жаҳон узра тарғиб этиш талаб этилади.

Гулноза ОДИЛОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети доценти

АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишланган «Навоий назмига боқсанг» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият намояндалари, навоийшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, устоз-мураббийлар, шоир ижодининг ихлосмандлари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш, миллий ўзлигимизни англаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Серқирра ижодкорнинг асарларида инсон қадр-қиммати, эътиқод, илм олиш, маънавий камолотга интилиш тараннум этилган. Шу боис бу дурдоналар асрлар мобайнида инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илм-маърифатга чорлаб келмоқда. Халқимиз учун чексиз фахр-ифтихор тимсоли бўлган алломани англамоқ, уни идрок этмоқ улкан бахт ва шарафдир.

Шоир ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон комиллик йўлидан чекинмаслик, сабрли бўлиш охир-оқибат бахт ва шодликка элтишини, бу йўл эзгулик ва саодат йўли эканини баён этган. Шу билан бирга, инсонийликни англатувчи фазилатлардан бири – бу ҳар бир инсон қалбида шукроналик туйғусининг бўлишидир. У шу туйғу барқарор бўлган жамият моддий фаровонликка эришиб, маънавий тараққий этади, деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг панду насиҳатлари асрлар оша барҳаётлигининг боиси ҳам шунда.

– Буюк мутафаккирнинг комил инсон бўлиш учун тўғри сўз, эзгу амал ва ният билан яшамоқ зарур, деган ўгитлари биз, ёшлар учун ибрат манбаидир, – дейди пойтахтимиздаги 1-педагогика коллежи ўқувчиси Гўзал Абдураззоқова. – Эзгуликка йўғрилган бу каби ҳикматлар аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб вояга етишга, саховатли, меҳр-оқибатли, билимли бўлишга даъват этади.

Давра суҳбатида ўқувчилар томонидан шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишлари ижро этилиши, инсон бахт-саодати, фаровонлиги, садоқат ва вафо каби юксак фазилатлар тараннум этилган ғазаллар ўқилгани бугунги авлодларнинг алломага эҳтироми ифодасидир.

Тадбир доирасида маърифат масканида китобрасмли кўргазма, «Алишер Навоий» бадиий фильми намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ўрни» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 1777 та маданият уйлари ва клублар негизида 894 та замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг янгидан ташкил этилиши, уларнинг моддий-техник базасининг тўлиқ янгиланиб, хизмат турларининг кўпайиши ва фаолият кўламининг янада кенгайтирилиши белгиланган.

Соҳа мутахассислари иштирокидаги Республика анжуманини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад юқоридаги қарор ижросини таъминлаш ҳамда чекка ҳудудларда яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли ёш ижрочиларни бадиий ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари, замонавий студия ва тўгаракларга жалб этиш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича шуғулланишлари учун кенг имконият яратишдан иборатдир.

— Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондириш, маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш, юртдошларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатилишида замонавий марказларнинг ўрни каттадир, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг етакчи мутахассиси Аброр Мелибоев. — Замонавий марказларда ёшларнинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган маданий-маърифий хизматларни кенг йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда, халқ ҳаваскорлик ижодиёти, миллий амалий санъат, номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрганиш бўйича тўгараклар, ижодий студиялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари, мунозара клублари, спортнинг кўплаб турлари ҳамда интеллектуал ўйинлар, мусобақалар, танловлар, фото ва амалий санъат кўргазмалари ташкил этилади. Халқ ижодиёти ва томоша санъатининг мини-фестивалларини, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни акс эттирувчи оммавий театрлаштирилган байрам томошалари, халқ сайилларини ташкил этиш орқали бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш устувор вазифалар қилиб белгиланган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб, Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Хоразмда 3 та, Андижонда 5 та, Фарғонада 3 та, Наманганда 4 та, Навоийда 2 та, Самарқандда 7 та, Жиззахда 2 та, Тошкент вилоятида 13 та – жами 41 та марказлар тўлиқ таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Бу марказларда бадиий ҳаваскорлик ва халқ ижодиёти, миллий-амалий санъат каби турли йўналишлар бўйича 4 мингга яқин тўгарак ва студиялар фаолият юритмоқда.

Анжуманда институтнинг раҳбарлари ва соҳа мутахассисларининг «Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг асосий вазифалари», «Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини малакали кадрлар билан таъминлаш – давр талаби», «Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ёшлар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик», «Глобаллашув жараёнида ёшларни турли маънавий таҳдидлардан асраш масалалари», «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бадиий жамоалар ҳамда тўгаракларнинг аҳамияти» мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбирнинг амалий қисмида асосий маърузалар юзасидан очиқ мулоқот ва савол-жавоблар ўтказилиб, анжуман иштирокчилари учун Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг профессор-ўқитувчилари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Адабиётда Баҳром Гўр образини биринчилардан бўлиб мифологик ва тарихий руҳдаги монументал асар яратган буюк сўз устаси Фирдавсий ижод қилди. У бу афсона асосида алоҳида асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўлса-да, «Шоҳнома»даги Баҳром Гўр шахсияти ҳақидаги ҳикоялар Шарқдаги юзлаб шоирларнинг диққатини ўзига жалб этди.

«САБЪАИ САЙЁР» — ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ЖИҲАТДАН ЮКСАК ДОСТОН

Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Баҳром Гўр образи билан боғлиқ бўлган сюжетни биринчи бўлиб Озарбойжоннинг буюк шоири Низомий Ганжавий қайта ишлаб, унга етти янги ҳикояни киритиб, шеърият оламида ўзининг беқиёс шуҳратини топган «Етти гўзал» номли оригинал бадиий асарини яратди. Низомий асаридан сўнг, 200 йил ўтгач, «Етти гўзал»нинг асосий бадиий рангини сақлаган ҳолда машҳур ҳинд шоири Хусрав Деҳлавий ўзининг шу мавзудаги «Саккиз жаннат боғлари» достонини ёзади.

Хусрав Деҳлавийдан кейин, бир аср ўтгач, Баҳром Гўр ҳақидаги қизиқарли ушбу мавзуга улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам қўл уради. Навоий ўзининг салафлари яратган достонларни ҳар жиҳатдан чуқур ўрганиб, уларнинг асарларига танқидий нуқтаи назардан объектив ёндошади. Натижада буюк шоир ўзбек тилида бутунлай янги йўналишдаги ва мустақил қурилишга эга бўлган «Сабъаи сайёр» номли достонни яратган. Машҳур шарқшунос олим Е. Бертельснинг таъкидлашича, бу асар Навоийнинг ҳаётлигидаёқ нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тез орада шуҳрат топиб кенг тарқалган. «Сабъаи сайёр»нинг бу қадар шуҳрат топганлиги унинг ғоявий юксаклиги, бадиий жиҳатдан баркамоллиги билан боғлиқдир.

Тадқиқотчилар шуни алоҳида таъкидлайдиларки, Алишер Навоий Баҳром Гўр ва Дилором ҳақидаги афсонанинг қолипловчи қисмини шундай усталик билан етти ҳикоя билан боғлаганки, натижада достон бир бутун яхлит композицион тузилишдаги асар қиёфасига кирган, Низомий билан Хусрав Деҳлавийларниинг асарларида эса, улар ўртасидаги ўзаро жузвий боғланиш узилиб қолган. Натижада қолипловчи қисм билан ҳикоялар, агар уларни бир-бирларидан ажратиб қаралса, алоҳида асардай бўлиб қолаверади ва улар мазмунининг ўзгаришига заррача ҳам таъсир кўрсатмайди. Навоийда эса бу боғланиш Дилоромни Баҳром чўлда ташлаб кетгандан кейинги тарихи еттинчи ҳикоя мазмунига киритилганлиги уни достоннинг қолипловчи қисми билан чамбарчас боғлаб, асарнинг таркибий ажралмас қисмига айлантиради.

Шундай қилиб, Низомийнинг «Хамса»си кейинги аср шоирлари учун илҳом ва татаббуъ манбаи бўлиб қолди, жуда кўп шоирлар бу соҳада ўзларининг кучларини синаб кўрдилар. Булар орасида энг кўзга кўринганлари ва асарлари энг юксак баҳога сазовор бўлганлари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийлар эди.

Навоий ишни достоннинг сюжет ва композицион тузилишини ўзгартириш ва такомиллаштиришдан бошлади. Бундан ташқари Алишер Навоий Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг Баҳром тарихига оид эпизодларини такрорламаслик учун уларни қисқартиради.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром билан Дилором ҳақидаги афсона етти ҳикояни ўзи билан қолипловчи севги ҳақидаги асарнинг ажралмас қисмига айлантирилган. Шунинг учун Навоийда, анъана тусига кирган бобларнинг тугаши биланоқ достонда Дилоромнинг номи ва машҳур рассом Моний томонидан чизилган унинг расми ҳақида гап боради. Хитой савдогарининг канизаги, латофатда тенги йўқ, мусиқа чалишда моҳир, хушовоз хонанда Дилоромнинг расмини Моний Баҳромга ов пайтида кўрсатади ва у бу гўзал қизни севиб қолади. Навоий Баҳром билан Дилоромни ов вақтидаги можаро туфайли ажралишганларидан сўнг уларнинг учрашувини етти ҳикояни баён этганидан сўнг амалга оширади. Шуни таъкидлаш муҳимки, шоир еттинчи ҳикояни Баҳром тўғрисидаги қолипловчи ҳикоя билан чамбарчас боғлаган ҳолда ўқувчига тақдим этади. Бу эса, ўз навбатида достоннинг бир бутунлигини таъминлаган.

Достоннинг кейинги бобида Баҳром билан Дилором ўртасида ов вақтида бўлиб ўтган воқеа тасвирланади. Шоир вақтида бўлиб ўтган воқеани айш-ишратга берилган Баҳромнинг телбаликка мубталолигининг оқибати деб қарайди.

Баҳром Дилоромдан ўз санъатига мақтовлар эшитмаганидан кейин дарғазаб бўлиб, ўз севгилисини ўлдирмоқчи бўлади, лекин унинг яқинларининг маслаҳатига кўра, у Дилоромни ўз сочлари билан бойлаб, сувсиз чўлга ташлаб кетади.

Шу куни Баҳром тинмай шароб ичади ва маст ҳолда ухлаб қолади. Эрталаб ўз ёнида Дилоромнинг йўқлигини кўриб, бошқалардан бўлиб ўтган воқеани билиб олади.

Баҳром изтироб чекади, қилмишидан афсусланади, ўзини қўярга жой тополмайди. Ўзи Дилоромни излаб топишга шайланади. Агар у тирик бўлса ундан узр сўрамоқчи бўлади. Баҳром ҳатто ўзини ўлдиришгача бориб етади, аммо ғурури бунга йўл қўймайди. Охири Баҳром ўзини идора қилолмай ҳушидан кетади. Лекин икки кундан кейин у ҳушига келгач, уни виждон азоби яна қийнай бошлайди ва Дилоромни излаб саҳрога йўл олади. Дилоромни қанча қидирмасин, Баҳром унинг на тиригини, на ўлигини топа олади. Баҳром саҳрода чодир тутиб ўша ерда тунагани қолади. Ошиқ Баҳром учун кеча даҳшатли бўлиб туюлади. Дилоромнинг тасвири унинг кўз ўнгидан нари кетмайди. Баҳром ўз севгилисини кўришни қўмсайди, изтироб чекади, ўзини ўзи уриб инграйди ва ниҳоят тонгга яқин ҳолдан тойиб, яна ҳушидан кетади. Яқинлари Баҳромни шаҳарга олиб кетиб, кўркам боғга жойлайдилар. Энди Баҳромни ишқ ақлдан оздирган эди. Сарой аҳли табибларнинг мажлисини чақириб, Баҳромни бу дарддан халос қилиш йўлларини излайдилар. Лекин табиблар ишқ дардига мубтало бўлган касални доридармон билан даволаш мумкин эмаслигини айтадилар. Улар барча имкониятларни ишга солишиб, бир оз бўлса-да, Баҳромни тузатишга эришадилар. Унинг батамом соғайиб кетиши учун Баҳромни меъморчилик билан шуғуллантиришни тавсия этадилар. Бу таклиф маъқулланиб, Етти иқлимнинг етти шоҳи Баҳромнинг соғайиб кетиши учун етти қаср қуриш ишига киришадилар. Баҳром қасрларнинг қурилишини назорат қилиб, соғая бошлайди. Бинолар қурилиб битгач, яна табибларнинг маслаҳатига кўра, Моний бошчилигида қасрларни бадиий жиҳатдан безаш ишлари ниҳоясига етгач, ҳар бир қасрга бир гўзал қизни жойлаш мақсадга мувофиқ деб топилади. Баҳромнинг батамом соғайиб кетиши учун етти иқлимнинг етти шоҳи, ҳар бири ўзи қурдирган қасрга қизларини жойлайдилар. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги қолипловчи ҳикоянинг энг сўнгги боби мана шу ерга келиб тугайди. Кейин достоннинг асосини ташкил этувчи етти ҳикоянинг тафсилоти бошланади.

Ҳафта кунлари, қаср ранглари ҳар учала достонда бир-бирларига монанд.

Лекин ҳар бир шоирнинг ҳикоялари турлича бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қилади. Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида шу ерга келиб қолипловчи ҳикоялар тугайди.

Еттинчи ҳикоя орқали Навоий Баҳром Гўрни Дилором висолига етиштиради. Бундан кейинги боблар Баҳром Гўр ҳаётининг сўнгги онларини тасвирлашга бағишланади.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг якунловчи қисми уч бобдан иборат. Биринчи бобда инсон учун берилган умрнинг қисқалиги, шунинг учун уни фақат яхшиликка бағишлаш кераклиги ҳақида гап боради. Иккинчи бобда шоир достонни тугатгандан сўнг кўрган тушини тасвирлайди. Унинг тушига Баҳром, Дилором ва етти гўзал киради. Улар шоирни достонни тугаши билан табриклаб, қаҳрамонларни тўғри тасвирлаганлигини алоҳида қайд қиладилар. Шу ерда Навоий Султон Ҳусайн Бойқарони ҳам тилга олиб ўтади. Охирги бобда Навоий ҳар кимга ўзининг асарини маъқул кўришни, агар у ўз асарини юқорироқ баҳолаган бўлса, уни маъзур тутишларини сўрайди.

Ниҳоят Навоий достоннинг асосий ғояси етти ҳикояда ўз аксини топганлигини айтиб, достонга якун ясайди.

Хусрав Деҳлавий ўз достонида Баҳром тарихига оид эпизодларни тушириб қолдириб, қолипловчи ҳикояни ихчамлаштирган, Низомийда мавжуд бўлган маҳбусларнинг етти ҳикоясини ҳам қисқартириб, достон композициясини ўзгача тузган. Лекин Хусрав Деҳлавий қолипловчи ҳикояга кирган эртакларини ўқувчига Низомийникидан ҳам мураккаброқ қилиб тақдим этади. Навоий Хусрав Деҳлавий йўлини тутган бўлсада, достонни сюжет ва композицион жиҳатдан такомиллаштирган.

Лекин Навоий достони сюжетининг соддалиги шундан иборатки, унда тарихийлик ўрнини кўпроқ психологик тасвир эгаллайди.

Алишер Навоий достоннинг сюжет ва композицион тузилиши жиҳатидан салафлариникидан яна кескин бир фарқи шундан иборатки, шоир қолипловчи ҳикояни унга кирувчи ҳикоялар билан чамбарчас боғлаганлигидадир. Еттинчи ҳикояда иштирок этувчи асосий қаҳрамон Дилором достоннинг қолипловчи қисмини ҳикояларнинг ажралмас қисмига айлантиради.

Алишер Навоий ҳикояларининг аксарият қисми реал сюжетлар асосида қурилган бўлиб, уларда девлар, жинлар ва бошқа ғайритабиий кучлар билан боғлиқ лавҳалар, шунингдек, салафларининг достонларига хос бўлган, мунажжимларнинг башоратлари каби саҳналар деярли йўқ.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» достонларидаги ҳикояларнинг сюжетлари вақтичоғлик характерига эга бўлса, Навоий ҳикояларида кўпроқ дидактика устун туриб, воқеалар шоирнинг эстетик принципларига монанд равишда ўз ифодасини топган.

Саидбек ҲАСАНОВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи директори,
филология фанлари доктори,
профессор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Қуйи Чирчиқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2015 йил 22 январда 1444-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган, юридик манзили Қуйи Чирчиқ тумани «Қўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғини «Тама» маҳалласида жойлашган «Фаррух баликчи инвест» масъулияти чекланган жамияти (СТИР рақами 301300281) устав фондининг 10.500.000 (ўн миллион беш юз минг сўм) сўмдан 8.500.000 (саккиз миллион беш юз минг) сўмга камайганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани «Тама» маҳалласи Тел: 312-33-12

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнир ўз якунига етди. Унда ўзбекистонлик ёш чарм қўлқоп усталари 2 та олтин ҳамда биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритиб, турнирда иштирок этган Хитой, Россия, Қозоғистон, Мўғулистон, Таиланд, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон давлатлари вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақада 91 килограмм вазн тоифасидаги боксчимиз Сардор Бегалиев ярим финал жангида мусобақа мезбони Чингиз Борбашевга имкониятни бой берди ва бронза медали билан кифояланди.

52 килограмм вазн тоифасидаги спортчимиз Аброр Қодиров барча рақибларини дорда қолдириб, финалда қирғизистонлик Жонибек Мусаев билан куч синашди. Учрашув тенг суръатларда кечди. Шунга қарамай якунда Жонибек чемпионликка муносиб топилди.

Терма жамоанинг умидли вакилларидан бири 69 килограммда рингга чиқаётган боксчимиз Маҳмуд Ғоипов олтин медаль учун кечган баҳсда мўғулистонлик Уранчимег Мунх-Эрдене билан куч синашиб, биринчи раундда техник нокаут билан зафар қучди ва олтин медалга сазовор бўлди.

91 килограммдан ортиқ вазн тоифасида тобора яхши натижаларга эришиб келаётган бўйдор боксчимиз Баҳодир Жалолов ҳал қилувчи беллашувда россиялик Ярослав Дороничев билан рингда учрашди. Саралаш баҳсларида Қозоғистон ва Қирғизистон боксчиларини яққол устунлик билан мағлуб этган Баҳодир Ярославга ҳам ҳеч қандай имконият қолдирмади ва олтин медаль билан тақдирланди.



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Ҳамюртимиз Рашид Қурбонов Франция пойтахтидаги эркин кураш бўйича Париж Гран-при турнирида иштирок этди. Инчеон — 2014 Осиё ўйинлари совриндори бу мусобақада барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

КУРАШЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Спортчимиз ғолиблик учун кураш баҳсларида мезбонлар вакили Лук Лампис, польшалик Кристиан Брзозовски, эронлик Муҳаммад Мактабдор ва финалда россиялик Осман Исаков устидан бирин-кетин зафар қучиб мусобақанинг ғолибига айланди.

Мусобақа якунларига кўра ҳамюртимиз Рашид Қурбонов 74 кг вазн тоифасида биринчи ўринни олган бўлса, унга мағлуб Осман Исаков иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса эронлик Муҳаммад Мактабдорга насиб қилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Болалар спорти

ЧЕМПИОН ЁШЛАР МАСКАНИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган доимий эътибор ўғил-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётганида, юртимизнинг барча ҳудудидаги олимпия заҳиралари коллежлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари соҳа ривожида дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Илгари шаҳарларда ҳам саноқли бўлган спорт иншоотларида мураббийлар етишмовчилиги, анжомлар танқислиги доимий муаммо эди. Қишлоқларда шароит йўқлиги боис қанча-қанча истеъдодлар кашф этилмай сўнарди.

Президентимизнинг соҳага қаратаётган эътибори туфайли фарзандларимиз энг замонавий спорт мажмуаларида шуғулланмоқда. Бугун ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини соғлом инсонлар этиб вояга етказиш орзусида спорт мактабларига етаклаб келмоқда.

Буни пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур спорт мактаби 2008 йилда болалар спорт мажмуаси сифатида фаолиятини бошлаган. 2013 йилда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомини олгач, муассасадаги тўгараклар фаолияти янада такомиллашди, унга қатновчилар сафи кенгайди.

– Тарбияланувчиларимиз орасида истеъдодлилари жуда кўп, – дейди спорт мактаби директори Аскар Абдураимов. – Мажмуада кун давомида қатъий жадвал асосида машғулотлар ўтказилади. Асосийси, мактабимизда болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаши, иқтидор ва маҳоратини юзага чиқаришига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу муассасада тарбияланувчилар спорт-соғломлаштириш, бошланғич тайёргарлик ҳамда ўқув-машғулот гуруҳларида маҳоратини оширмоқда. Машқлар ўқувчиларнинг бўш вақтига қараб, белгиланган ўқув дастури асосида олиб борилаётир. Ёпиқ зал, иккита теннис корти, мини-футбол ва футбол майдонлари – болалар ихтиёрида.

Бу ерда тўрт юз нафардан зиёд ўғил-қиз тажрибали мураббийлар кўмагида бадиий гимнастика, таэквондо (WTF), футбол, стол тенниси, енгил атлетика, камондан ўқ отиш каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Тарбияланувчиларнинг бир юз саксон нафари қизлардир.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги футбол тўгараги аъзоларининг маҳоратли ўйинларини каттаю кичик севиб томоша қилади.

Қизлар ўртасида спортнинг нафис тури – бадиий гимнастикага қизиқиш кучли. Мазкур спорт улар учун нафақат жисмоний чиниқиш, балки сарвқоматлик, лобарлик ва гўзаллик асоси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

– Бадиий гимнастика тўгарагига қизлар тўрт ёшдан қабул қилинади, – дейди мураббия Нигора Фозилова. – Айни вақтда 130 нафар қиз бу спорт тури билан шуғулланмоқда. Яратилган имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиб, турли мусобақаларда фахрли ўринларни эгалламоқда.

– Жорий йилда Хоразм вилоятида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари – 2015» спорт ўйинларида бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳри жамоасида қатнашаман, – дейди 280-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳинур Бахтиёрова. – Мураббийларим кўмагида мураккаб композицияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпман. Мақсадим – келгусида қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, Ватанимизга олтин медаллар билан қайтиш.

Дарҳақиқат, мактаб тарбияланувчилари орасида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар кўп. Таэквондо (WTF) бўйича Валентин Хегай, Гўзал Норбобоева, Баҳодир Аловхонов, камондан ўқ отиш бўйича Зафар Сатторов, Юнус Сармамбетов, Ҳилола Юнусова, бадиий гимнастика бўйича Анжелика Хмельницкая, Алеся Букреева, Маргарита Урмич, Севара Тўхтаева, Юлия Нуштаева каби ёшлар нуфузли турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2014 йилда спортчилар мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда 170 дан зиёд медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИ

Мустақиллик йилларида юртимизда Шарқ алломалари қолдирган улкан меросни ўрганишга эътибор тобора ортиб бормоқда. Айниқса, аждодлар меросини тадқиқ қилиш учун ёшларга яратилган имкониятларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказининг ташкил этилганлиги айниқса қувонарли воқеа бўлди. Бу эса институтимиз талабаларининг қўлёзма асарларни мутолаа қилишлари учун кенг имкониятлар манбаи ҳисобланади.

Қолаверса Шарқ қўлёзмалари марказининг етук олимлари талабаларга қўлёзмаларни ўқиш ва таржима қилиш амалларини ўргатишда яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Марказнинг профессорлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Куни кеча марказда «Шарқ алломалари мероси ва қўлёзмаларини ўрганиш сирлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда манбашунос олимлар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмедов, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов, институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, талабалари фаол иштирок этишди.

Тадбир давомида мутахассислар ўзларининг қўлёзма манбаларни ўрганиш сирлари билан талабаларни таништиришди. Бу борада ёшларга ўз маслаҳатларини беришди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Бу каби тадбирлар талаба-ёшларни янада изланишга ундаши шубҳасиз.

Муслима АБДУМАЛИКОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-босқич талабаси

Қатралар

ҲИММАТ

Ҳури опанинг оғзи ошга, қўли ишга бормас, телевизорининг бузилганидан фиғони фалакда.

— Қизингизнинг кўз ёшидан айлансин. Пулини аччиқроқ чайнасангиз, устаси ҳам югуриб кела қоларди, — дея Қобил акани жони ҳолига қўймади у.

Қобил ака маҳалласи марказидаги ҳаворанг дарвозани тақиллатди.

— Яқинда ишдан келиб Нурмат аканинг телевизорини кўргани кетдилар. Эртага тонгда барвақт туриб, биринчи навбатда сизникига ўтадилар, амаки, — дея оқ-сариқдан келган қиз чиқиб жавоб қилди. Уйга хотиржам қайтган Қобил ака хотинини юпатди, бўлмади. Хотинининг юзидаги қизиллиги ўчиб, шиддатли «ҳужум»га ўтди.

Ҳури опа эртаси куни азонлаб устанинг уйига ўзи югуриб кириб келди.

— Келинг-келинг, опажон. Хизмат?

Она телевизори бузилганини айтди, сўнг:

— Атаганимиз бегона бўлмасин, айланай, — деб қўшиб қўйди.

— Гап пулда эмас, — самимий кулди йигит. — Ўзим ҳам кўнгиллаб ҳозир бормоқчи бўлиб тургандим.

Изига қайтган она эридан ўзини бир поғона баланд ҳис қилиб деди:

— Пул дарди кабоб, дейдилар. Болалари ҳам еярман-ичарман экан. Оилиги камдирки, шу ишни ихтиёр этибди.

— Сеники маъқул, — деди хотинига бас келолмаслигини тушунган эр.

Эрталаб уста телевизорни ишга солиб юборди. Байрам, шодлик нафаси уфурди хонага.

— Қўлинг гул экан, асло дард кўрмагин. Ҳалол ҳақингни ол энди, — дея опанинг чеҳрасига кулгу инди.

— Олгин ука, опангнинг қўли қайтмасин, — деди Қобил ака.

— Сира ҳожати йўқ. Раҳмат, сизлар хурсанд бўлсанглар бас. Маошим етиб ортади. Биз маҳалламизда яшовчи кишиларнинг ишини бепул бажаришни ташкил этдик. Навбати билан.

Опа уста йигит ва Қобил аканинг қаршисида ўзини алланечук ҳис қилди.

БЕҚАРОРЛИК

Қиш бўлса-да, қалинроқ қор ёққани йўқ. Кечагиси ерга бўз ёпгандек юқдию, қуёш чиқиши билан эриб кетди. Айниқса, яқинроқ жойдаги шудгорлар қор кўрпасига интизорлигича қолаверди.

Бугун тонгдан ёмғир томчилай бошлади. Улар муздек, совуқ. Ёмғир ҳам қут-барака-ку. Шунисига ҳам шукр. «Қорга айланиб қолса зора», дейди ўзича бобо.

Дам ўтмай шамол увиллаб, булутлар карвонини узоқларга суриб кетди. Яна қуёш киприкларини қоқиб, бахоргидек чарақлайди. Тушликдан кейин ўқийдиган набираси мактабга отланаркан, бобоси огоҳлантирди:

— Қалинроқ кийиниб ол. Бу ҳавога ишонма.

— Кун иссиқ-ку, — ўқишга шошилди қизалоқ.

Кечга томон илиқ ҳаво ўрнини изғирин эгаллади. Қор ҳиди кела бошлади. Мактабдан қайтган набира бошини ушлаб, уйга отилди. Эти жунжикиб, боши лўқиллади.

— Ўзи билармон-да. Каттанинг сўзига кирмайди, махмадона, — деди бобоси.

Беқарорлик! Табиатнинг бу хислатига қараб яшашдан бир зум толмаймиз. Гулдек меҳнатимиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз бор экан, қараб турмаймиз.

Лекин баъзилардаги беқарорликка учиб, алданманг одамлар, ўз кемасига сизни чорлаб, тубсиз, соҳилсиз уммонига ғарқ қилиши мумкин.

ДЎСТЛИК ИПИ

Қуёшнинг зарҳал нурларидек ҳаётга йўғрилиб сингиган иплар инсонларнинг кўрки, зебу зийнати. Қоматларда товусдек порлаган кийимлар, матолар — ҳаммаси шу иплардан.

Йиллар ўтар. Чеварлар тўқиган пишиқ гиламу либосларнинг оҳори кетар. Иплари мадорсизланиб «яшаб бўлдик», дея узилар. Яна янгиси бунёд бўлар ва яна...

Бироқ чароғон умримиз йўлига поёндоз солгувчи яна бир ип борки, унинг оҳори асло тўкилмайди. Булар соф юракларнинг дошқозонида етилади. Чўлларни қувиш, она ер ва гўзаллик ишқи, меҳнат майдонидан бошланур, бу ипларнинг учи. Ҳаёт тўлқинларидан чидами ошиб, жилоланиб товланур.

Туҳматларга сира бўй эгмайди. Билъакс, таранг тортилиб ҳар толаси бир-бирига чийралиб пишади.

Пўлат тросларнинг ҳам метин қўлларда оддий ипдек узилур. Бу иплар унинг акси. Ҳар толаси юксак онг, ақлнинг чарақлаган нуридир. Куч, ўраминнинг беқиёслиги шундадир бу ипларнинг. Ўрамлар доимо дилларни дилларга пайванд қилиш хизматида.

Бу ипларнинг баҳоси юксак одамийлик қимматига тенг.

Бу қалбларни қалбларга улаган дўстлик ипидир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

«101»

ЭҲТИЁТКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

Қиш мавсумида ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида барча тармоқларда бўлганидек, халқ хўжалиги масканларида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ишлардан биридир. Ёнғин бир неча сонияда кишиларни мол-мулкидан ва яқинларидан ажрата оладиган бир офатдир.

Ҳаётда содир бўладиган дахшатли фалокатлардан бири, шубҳасиз ёнғиндир. Ҳатто қадимги замонларда бизнинг ота-боболаримиз ушбу фалокатдан сақлаш ишларини олиб борганлар. Олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар куни содир бўлаётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам ундан тўғри фойдаланишни билавермайди.

Жумладан, уйни ёнғиндан сақлаш учун айрим кўрсатмаларга амал қилиш даркор. Совуқ кунларда уй-жойингизни иситиш учун мўлжалланган печка ва газ плиталарининг носозликлари ёнғинга сабаб бўлиши мумкин.

- Шу сабабли уйдаги газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг;
- Носоз ва қўлбола ускуналардан фойдаланманг;
- Иситиш печи ўчоқларини ўт олдириш учун бензин, керосин, солярка каби тез аланга олувчи суюқликлардан фойдаланманг;
- Газ плитаси ва иситиш печлари устида кир ва бошқа нарсалар қуритманг;
- Газни резина шланг орқали улаб ишлатманг;
- Газ ва электр асбобларининг назоратини ёш болалар ихтиёрига топширманг;
- Уйдан чиқишдан олдин газ ва электр ускуналарининг ўчирилганлигини албатта текширинг.

Қўлбола электр иситиш печларидан умуман фойдаланманг. Шу қоидаларга риоя қилсангиз ўз уйингизни ёнғиндан асраган бўласиз. Ёнғиннинг олдини олиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Болаларнинг олов билан ўйнаши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслиги эса аянчли оқибатларга олиб келади. Бунинг олдини олиш учун ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, мактаблар, таълим муассасаларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Ҳудди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плитасида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради, ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари барча инсонларни, хонадон эгаларини, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Дилшод МИРАЛИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ биржа савдоларига таклиф этади!
2015 йил 11 мартда «Тошкент» РФБ биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошлангич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошлангич нархи, сўм
1	"Қурилиш бирлашмаси" АЖ	49	199 793 646	100	110	21 977 301 060

Қўшимча маълумотлар учун «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92.
E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9 даража илиқ, кундузи — 17-19 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 февралда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Топшириш вақти: 13.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 4 5